

6-1-2018

THEORETICAL BASES OF METHODS FOR FORECASTING TAXES AND FEATURES OF USING THEM

F. Bozorova
Tax Academy

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

Recommended Citation

Bozorova, F. (2018) "THEORETICAL BASES OF METHODS FOR FORECASTING TAXES AND FEATURES OF USING THEM," *International Finance and Accounting*: Vol. 2018 : Iss. 3 , Article 17.
Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2018/iss3/17>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

Бозорова Ф.А. – Солиқ академияси, ўқитувчи

СОЛИҚ ТУШУМЛАРИНИ ПРОГНОЗЛАШ УСУЛЛАРИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ ВА УЛАРНИ ҚЎЛЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Ушбу мақолада республика бюджети даромадларининг асосий манбаи бўлган солиқ тушумларини прогназлаш масалалари, хусусан, прогназлашнинг методологияси ва назарий асослари, шунингдек миллий солиқ тизимининг ўзига хос хусусиятларига боғлиқ прогназлаш кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: давлат бюджети, солиқ тушумлари, прогназлаш, прогназлаш усуллари, экстраполяция усули, эксперт баҳолаш усули, моделлаштириш усули

В этой статье рассматривается прогноз налоговых поступлений, который является основным источником доходов республиканского бюджета, в частности, методология прогнозирования и теоретическая основа прогнозирования, а также прогнозирование характеристик национальной налоговой системы.

Ключевые слова: государственный бюджет, налоговые поступления, прогнозирование, методы прогнозирования, метод экстраполяции, метод экспертных оценок, метод моделирования

This article observes tax inflows' forecasting issues, considering taxes as primary revenue source of the country's public budget, particularly such aspects of forecasting as its methodology and theoretical basis as well as specifics of forecasting bound to some peculiarities of national tax system

Keywords: the state budget, tax revenues, forecasting, forecasting methods, extrapolation method, method of expert evaluation, modeling method

Давлат молиясини бошқариш мамлакатнинг бюджет ресурсларидан самарали фойдаланиш, барқарор ривожланишни таъминлашга оид чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни кўзда тутди. Бунинг учун эса энг аввало мақбул прогназлаштириш орқали давлат бюджетини ташкил этувчи даромадларни оқилона шакллантириш, ва улардан мақсадли ва манзилли фойдаланиш талаб этилади.

Айнан, мазкур чора-тадбирларнинг мақсадга мувофиқ тарзда амалга оширилмаслиги давлат бюджети тақчиллигини келтириб чиқаради. Хусусан, глобал молиявий-иқтисодий инқирознинг иккинчи тўлкини Европа Иттифоқининг қатор давлатларида давлат бюджети тақчиллигининг ошиб бориши натижасида юзага келди. 2017 йил якунига кўра давлат бюджети дефицити Буюк Британияда 3.6%, Испанияда 3.3%, Францияда 3.1%, Италияда 2.3%, Польшада 2.2% ни ташкил этган [1]. Ушбу кўрсаткичларни мамлакатимиз билан солиштирганда, сўнгги уч йил ичида Давлат бюджети тақчиллик билан прогназлаштирилган, аммо йил якунига ЯИМ га нисбатан 0,01 фоиз профицит

билан бажарилган. Давлат бюджети 2018 йилда биринчи марта ЯИМга нисбатан 0,02 фоиз профицит билан прогнозлаштирилди[2]. Албатта бу ёмон кўрсаткич эмас, лекин давлатнинг молиявий ресурслари тақчиллиги ортиб бораётган шароитда давлат бюджетини прогнозлаштириш янада аниқ ва асосланган бўлишлиги талаб этилади.

Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш ва либераллаштиришни амалга ошириш борасида қабул қилинаётган давлат дастурларида давлат бюджети шаффофлигини ва барча даражадаги бюджетлар мутаносиблигини таъминлаш, маҳаллий бюджетлар даромад қисмини мустаҳкамлаш каби ўта муҳим вазифалар белгиланмоқда. Аммо мамлакатимизда давлат бюджетининг асосини ташкил этувчи солиқ тушумларини прогноз қилиш механизмнинг мукамал эмаслиги, давлат бюджетидан молиялаштириладиган соҳаларга ўз вақтида етарлича маблағлар ажратилмаслиги оқибатида давлат хизматларининг сифати тушишига олиб келмоқда.

Давлат бюджети маблағларидан оқилона фойдаланиш масаласига алоҳида эътибор берилган ҳолда “Давлат бюджети ўлчовсиз эмас, маблағларни қаттиқ тежаш, белгиланган мақсад учун ва оқилона ишлатишни таъминлаш зарур”лигига оид эътирофнинг нақадар ўринли эканлигини қайд этиш мумкин. [3] Маблағларни оқилона сарфлашдан олдин уни бюджет тизими бюджетларига ўз вақтида йиғилишини таъминлаш масаланинг иккинчи томони ҳисобланади. Давлат бюджетининг асосий қисмини ташкил этувчи солиқлар ва йиғимларни белгиланган муддатларда бюджетга тўлаб бериш бу энг аввало ҳар бир фуқаронинг ва кейинги навбатда ушбу тўловларни йиғилишини назорат қилувчи ваколатли идора ходимларининг виждонан адо этадиган асосий вазифасидир.

Бозор иқтисодиётига хос бўлган кўпгина давлатларда бўлгани каби бизда ҳам давлат бюджети лойиҳаси бир йилга прогнозлаштирилади. Президентимизнинг 2017 йил 18 июлдаги “Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5116- сонли Фармонида 2018 йил 1 январдан бошлаб, давлат бюджетининг даромад қисмини шакллантиришга мутасадди этиб тайинланган орган ва ташкилотларга

-худудларнинг ўзига хослиги ва солиқ тўлаш салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда Давлат бюджети даромадлари прогноз кўрсаткичларининг холислиги ва асослигини баҳолаш ;

-даромадлар прогнозини сифатли шакллантириш ва бажариш, солиқ солинадиган базани кенгайтириш, солиқларнинг йиғилувчанлиги ва солиқ тўловчилар ҳисобининг тўлиқлигини таъминлашда молия ва солиқ органларининг масъулиятини ошириш ҳамда уларга ҳар томонлама кўмаклашиш чораларини кўриш ва ҳоказо вазифалар юклатилди.

Ушбу вазифаларни сифатли бажарилишини таъминлаш, хўжалик юритувчи субъектларнинг умумий солиқ юкини пасайтириш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва хизмат кўрсатиш соҳасида солиқларнинг

рағбатлантирувчи ролини кучайтириш, ресурслардан оқилона ва тежамли фойдаланишни таъминлаш, самарасиз солиқ ва йиғимларни бекор қилиш, тадбиркорларга бизнеснинг ўрта муддатли истиқболда ривожланишини асосли равишда прогноз қилиш имкониятига эга бўлишлари учун солиқ тизимининг барқарорлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш мақсадида Президентимиз томонидан 2018 йил 13 февралда яна бир муҳим ҳужжат, “Солиқ қонунчилигини тубдан такомиллаштириш бўйича ташкилий чоратадбирлар тўғрисида” ги Ф-5214-сонли Фармойиши қабул қилинганлиги бугунги кунда Давлат бюджетини асосини ташкил этувчи солиқ тушумларини прогнозлаштиришни такомиллаштириш масалаларига алоҳида ёндашувни талаб этади.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасининг 2014-2018 йилги Давлат бюджети параметрлари (млрд сўмда) [2]

Асосий бюджет кўрсаткичлари	2014 йил (млрд. сўм)	2015 йил (млрд. сўм)	2016 йил (млрд. сўм)	2017 йил (млрд. сўм)	2018 йил (млрд. сўм (прогноз)	2018 йилда Бюджет даромадла рида салмоғи, %да
Давлат бюджети даромадлари	30 160,8	36 184,9	40 505,8	44 469,6	62 229,5	100
Шу жумладан: Бевосита солиқлар	7 790,4	8 554,3	9 338,5	10 674,2	12 805,4	20,5
Билвосита солиқлар	15 618,2	19 115,8	22 298,1	24 285,4	33 404,3	53,6
Ресурс тўловлари ва мол-мулк солиғи	4 521,4	5 741,8	5 806,5	6 049,5	9 714,5	15,6
Қўшимча фойда солиғи	388,4	548,2	390,2	723,2	1 367,7	2,0
Бошқа даромадлар	1 842,4	2 224,8	2672,5	2 737,3	4 937,6	7,9
Бюджет харажатлари	31 582,3	37 967,7	42 721,3	46 943,1	62 170,0	2018 йилда ЯИМ га нисбатан 0,02 фоиз профицит

Давлат бюджетининг даромадлари ва харажатлари билан боғлиқ бўлган механизмни узилишларсиз юргизиш, давлат бюджети тақчиллигини олдини олиш мақсадида молия йили бошида ҳукуратимиз томонидан аниқ режалар ишлаб чиқилади ва солиқ тушумларининг ҳажми прогнозлаштирилади. Сўнгги беш йилда давлат бюджети параметрлари прогнози динамикасини қўйида келтирамиз:

Юқоридаги жадвалга эътибор қаратадиган бўлсак, 2014-2016 йиллар оралиғида давлат бюджетига йиғиладиган тушумларнинг миқдори ўртача 13-14 фоиз атрофида оширилган бўлса, 2018 йил учун йиғилиши прогнозлаштирилган тушумлар ўтган 2017 йилга нисбатан қарийиб 40 фоизга оширилди. Жорий йилда ўтган йилгига нисбатан билвосита солиқлар, ресурс солиқлари ва давлат бюджетининг бошқа даромадларидан келиб тушадиган тушумлар салмоғи қарийиб икки бараваргача оширилиб прогнозлаштирилганини юқоридаги жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкин.

Иқтисодий жараёнларнинг ҳар қандай таркибий ривожланиши аниқ ҳисоб-китобларга таянган ҳолда амалга оширилган, таъсир этиши мумкин бўлган ҳар қандай омиллар инobatга олинган кўп йўналишли прогнозлаштиришни талаб этади. Солиққа тортиш муносабатлари ҳам бундан мустасно эмас.

Солиқ тушумларининг прогнози – ҳар бир субъектнинг ва улар орқали бутун мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши прогнозига асосланади. Солиқ тушумларининг прогнози ўзида бюджет тизимида келиб тушган солиқли тўловларнинг ҳамда солиқ салоҳиятининг баҳосини акс эттиради.

Бугунги кунда иқтисодиётнинг ҳудудий ва яхлит ривожини учун давлат бюджетига келиб тушиши лозим бўлган солиқ тушумларини прогнозлаштириш жараёнининг долзарблигидан келиб чиқиб, солиқ тушумларини прогнозлаштиришда жаҳон тажрибасида қўлланилаётган усулларнинг миллий иқтисодиётимизга тўғри келадиган, самарадорлиги юқори усуллари ва турларини ўрганиш ва аниқлаб олиш лозим. Аммо иқтисодий адабиётларда солиқ тушумларини прогнозлаштиришнинг усуллари қандай турларга бўлиниши ва умуман ушбу усулларнинг нечта тури борлиги тўғрисида ягона тўхтамга келинмаган. Россиялик иқтисодчи М.Васильева томонидан солиқ тушумларини прогнозлаштириш экстрополяция, оддий таклиф, эконометрик, эксперт баҳолаш усулларига ажратилади. [4]. Иқтисодчи К. Садыговнинг фикрича солиқ тушумларини прогнозлаштириш эксперт баҳолаш, детарменистик, тренд моделлари, бир нечта ўзгарувчи моделлар усулларига ажратилади[5].

Миллий иқтисодчиларимиздан А.Жўраев солиқ тушумларини прогнозилаштириш усулларини кўп ўлчамли методлар, регрессив ва корреляцион методлар, имитацион ва қарор қабул қилиш каби турларга, У.Пардаев эса эксперт баҳолаш, экстрополяция, тарихий таққослаш ва иқтисодий моделлаштириш усулларига[6], шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Давлат

солиқ қўмитаси мутахассислари томонидан экстраполяциялаш ва моделлаштириш усулларига ажратилади

Солиқ тушумларини прогнозлаштириш усулларига оид хорижий ва маҳаллий манбааларни ўрганган ҳолда, солиқ тушумларини прогнозлаштириш усуллари юзасидан хулосани қуйидаги чизмада келтирамыз.



Экстраполяциялаш усулларида, асосан, мавжуд кўрсаткичлар – тушумлар бўйича маълумотлардан фойдаланилгани учун уларни қўллаш осон ҳамда бу усуллар прогнозлаштиришда кўрсаткичларнинг ўтган даврлардаги динамикасини инобатга олиш имконини беради. Солиқ тушумларини прогнозлаштиришнинг экстраполяциялаш усулининг экспонциал силлиқлаш, сирғанчик ўртача қиймат ва энг кичик квадратлар кўринишлари мавжуд.

Экспонциал силлиқлаш усули – ўрта муддатли прогнозларни ишлаб чиқишда самарали усуллардан бири бўлиб, бу усул орқали фақат битта олдинги даврдаги кўрсаткич прогноз қилиниши мумкин.

$$U_{t+1} = \alpha \cdot y_t + (1 - \alpha) \cdot U_t,$$

Бу ерда t - прогнозлаштирилаётган даврдан битта олдинги давр; $t+1$ - прогнозлаштирилаётган давр; U_{t+1} - прогнозлаштирилаётган кўрсаткич; α - силлиқлаш катталиги; U_t - ўрганилаётган кўрсаткичнинг битта олдинги даврдаги ҳақиқий қиймати; U_t - прогнозлаштирилаётган кўрсаткичнинг экспонциал ўртачаси.

Сирғанчиқ ўртача қиймат усули Вақт қаторларини силлиқлаш методларининг энг кенг тарқалган усулларидан бири бўлиб ҳисобланади. Бу усулни қўллаш орқали тасодифий ўзгарувчиларни ҳисобга олиб, асосий таъсир этувчи омилларнинг ҳисобини олиш мумкин.

Силжувчи ўртача қиймат орқали силлиқлаш ўртача катталикларни ҳисобини олганда тасодифий фарқлар бекор бўлади. Бунда динамика қаторлардаги ҳақиқий даражалар сирғанчиқ ўртача миқдор билан алмаштирилади. Олинган қиймат танланган интервалдаги вақт қаторларининг ўртасига тегишли бўлади.. Бундай ўртача даражалар асосан 3 ва 5 йиллик даврлар бўйича ҳисобланиши мумкин

Бу усул қисқа муддатли прогнозлаштиришда қўлланилади ва қуйидаги формула орқали топилади:

$$y_{t+1} = m_{t-1} + \frac{1}{n} * (y_t + y_{t-1})$$

Бу ерда $t + 1$ – прогноз қилинаётган давр; t – прогноз қилинаётган даврдан битта олдинги давр (йил, ой ва ҳқз.); Y_{t+1} – прогнозлаштирилаётган кўрсаткич; m_{t-1} – прогнозлаштирилаётган даврдан иккита олдинги даврнинг сирғанчиқ ўртача қиймати; n – силлиқлаш оралиғига кирувчи даражалар сони; Y_t – ўрганилаётган ҳодисанинг олдинги даврдаги ҳақиқий қиймати; Y_{t-1} – ўрганилаётган ҳодисанинг прогнозлаштирилаётган даврдан икки йил олдинги кўрсаткичи

Энг кичик квадратлар усули. Энг кичик квадратлар усулининг моҳияти ҳисобланган ва кузатилган катталиклар орасидаги тафовутнинг квадрат чекланишларини минималлаштиришдан иборат. Ҳисобланган катталиклар танлаб олинган регрессия тенгламаси орқали топилади. Ҳақиқий кўрсаткичлар ва ҳисобланган кўрсаткичлар орасидаги фарқ қанчалик кичик бўлса, регрессия тенгламаси асосида тузилган прогноз шунчалик аниқ бўлади. Кичик квадратлар усули ёрдамида изланаётган тўғри чизикнинг Y ўқи билан кесишиш нуқтаси ва X ўқи билан ҳосил бурчак тангенци учун қуйидаги формулалар ёрдамида топилади[7]:

$$b_1 = \frac{n \sum_{i=1}^n X_i Y_i - \left(\sum_{i=1}^n X_i \right) \left(\sum_{i=1}^n Y_i \right)}{n \sum_{i=1}^n X_i^2 - \left(\sum_{i=1}^n X_i \right)^2} \quad (1)$$

$$b_0 = \frac{\sum_{i=1}^n Y_i}{n} - b_1 \frac{\sum_{i=1}^n X_i}{n} \quad (2)$$

бунда n -танланма ҳажми, X_i – i -чи қадамдаги кузатиш, Y_i – i -чи қадамдаги кузатишнинг қиймати.

Шундай қилиб, регрессия тўғри чизик тенгламаси қуйидаги кўринишда бўлади:

$$\hat{Y} = b_0 + b_1 X. \quad (3)$$

Ишончлилик коэффициентлари эса,

$$R^2 = 1 - \frac{\sum_{i=1}^n (Y_i - \hat{Y}_i)^2}{\sum_{i=1}^n (Y_i - \bar{Y})^2} \quad (4)$$

формула билан изоҳланади. Бу ерда, $Y_i - i$ –чи қадамдаги кузатишнинг қиймати,

\hat{Y}_i – i –чи қадамдаги (3) тенгламанинг қабул қиладиган қиймати,

\bar{Y} – кузатишларнинг ўртача қиймати, яъни

$$\bar{Y} = \frac{\sum_{i=1}^n Y_i}{n} \quad (5)$$

Энг кичик квадратлар усулининг камчилиги:

- Кўрсаткичнинг прогнози катта бўлмаган давр учун аниқ бўлади ва регрессия тенгламасини янги маълумот кириб келиши билан қайта ҳисоб китоб қилишга тўғри келади;
- Ечимини компьютер орқали программалаштириш мумкин бўлган регрессия тенгламасини танлаб олиш қийин.

Эксперт баҳолаш методи

Солиқ тушумларини прогнозлаштиришда қўлланиладиган эксперт баҳолаш методлари бу мутахассисларнинг фикрига таянган ҳолда келажакдаги ҳодисани башоратлаш демакдир.

Эксперт баҳолаш усули орқали прогноз қилинганда экспертлар гуруҳининг (5-7 кишилик) ўрганилаётган масалага таъсир қилувчи омиллар бўйича фикри сўровнома тарзида олинади. Муаммони муваффақиятли ўрганиш учун гуруҳ таркибига турли хил фикрлаш тарзига эга бўлган мутахассислар жалб қилинади.

Эксперт баҳолаш методи қуйидагиларни амалга ошириши лозим бўлган экспертларни тайёрлашни талаб этади:

- 1) мақсад ва вазифаларни аниқ белгилаш, баъзи ҳолларда эса хулосаларни умумлаштириш;
- 2) тадқиқот олиб борилаётган соҳа бўйича етарли даражада малака ва кўникмага эга мутахассисларни танлаб олиш;
- 3) қўйилган масалани экспертлар гуруҳида таҳлил қилиш ёки улар орасидаги бевосита мулоқотни чеклаш;
- 4) Тадқиқот иштирокчиларига тадқиқотнинг ҳар бир босқичида битта олдинги босқич натижалари ва хулосалари тўғрисидаги натижаларни тақдим этиш;
- 5) экспертларнинг хулосасини қайта ишлайдиган оптимал усулни танлаш;
- б) тадқиқот ишининг аниқ натижаларини шакллантириш.

Эксперт баҳолаш методи бу асосий мезони тадқиқот гуруҳининг барча аъзолари ягона тўхтамга келишига эришиш лозим бўлган прогнозлаштириш усулидир. Ташкилий жиҳатдан бу турдош соҳалар вакиллари прогнозлаштирилаётган кўрсаткич юзасидан анкета саволларига батафсил

берилган жавоблар жамланмасига ўхшайди. Уларнинг ҳар бири прогнозлаштирилаётган кўрсаткич юзасидан ўз фикрини қайд этиб кейин гуруҳ аъзоларига хабар қилади. Агар унинг башоратлари гуруҳнинг бошқа аъзоларининг фикридан фарқ қилса, эксперт бу фарқнинг сабабини изоҳлаб бериши керак. Ушбу жараён экспертларнинг барчаси ягона фикрга келгунича давом этади. Бунда масала гуруҳда муҳокама этилмайди, анонимлик тартибига қаттиқ риоя қилинади.

Прогнозлаштиришнинг ҳамма эксперт усуллари иккита – индивидуал ва жамоавий гуруҳларга бўлинади.

Моделлаштириш методи

Солиқ тушумларини прогнозлаштиришда самарадорлиги юқори бўлган усуллардан яна бири бу моделлаштириш усулидир. Моделлаштиришнинг ўзи ўз навбатида детерминлашган моделлар ва эконометрик моделларга ажратилади.

Эконометрик модель бир омилли битта регрессия тенгласидан иборат бўлиши мумкин. Масалан,

$$Y = A_0 + A_1X \quad (6)$$

Бу ерда A_0 — озод ҳад;

A_1 — регрессия коэффиценти

Эконометрик модель кўп омилли битта регрессия тенгласидан иборат бўлиши мумкин. Масалан,

$$Y = A_0 + A_1X_1 + A_2X_2 + \dots + A_nX_n \quad (7)$$

Бу ерда: n — тушумга таъсир этувчи омиллар сони

Эконометрик моделлар юқорида қайд этилган кўринишларнинг бир нечта тенгласидан иборат бўлиши мумкин. Ушбу тенгламалар бир ўзгарувчили дейилади, чунки улар тенгламалар системасини ташкил этади. Шу билан бирга бу тенгламалар ўзаро боғлиқ бўлиши мумкин, чунки системанинг биринчи тенгласи ҳосил қиладиган ўзгарувчилари системанинг кейинги тенгласи натижасини топиш учун омил сифатида қўлланилади. Системадаги тенгламалар бир-бирига боғлиқ эмас, яъни мустақил бўлиши ҳам бўлиши мумкин. Бундай ҳолатда системанинг ҳар бир тенгласи бошқа тенгламаларидан қатъий назар мустақил равишда топилади.

Бу эконометрик модель тенгласининг чап томондаги ўзгарувчилари (Y) шу модель билан топилади, тенгламанинг ўнг томонидаги (X_1 ; X_2 ; X_n) ўзгарувчилари эса ушбу эконометрик модель доирасида аниқланмайди, улар бошқа статистик ёки эксперт усуллар орқали топилади ва моделга жойлаштирилади.

Эконометрик усуллар орқали бюджет даромадларини прогнозлаштиришнинг харажатлари юқорилиги ва уларни амалга ошириш механизмининг мураккаблиги ушбу усулнинг камчилиги сифатида, аммо, иқтисодий шароитларнинг ўзгаришига сезгирилигининг юқорилиги афзаллиги сифатида эътироф этилади.

Детерминистик усуллар прогнозаштиришда предмет кўрсаткичларнинг ўзгаришига таъсир қилувчи омиллар орасида доминант бўлган омилга боғлиқлигини ифодалайдиган усулдир. Ушбу усулларни қўллашда тасодифий

омилларни инобатга олиш имкони мавжуд эмас. Детерменистик усуллар ҳам ўз навбатида гуруҳларга бўлинади.

Детерменистик усуллар ичида энг кенг тарқалгани бу: тушумларни шартли прогнозлаштириш усули ва солиқ калькулятори усули

Шартли прогнозлаштириш усули солиқ базаси бўйича йиғилган солиқ тушумларининг эластиклигини баҳолаш орқали амалга ошириладиган прогнозлаштириш турдир. Солиқ тушумларини шартли прогнозлаштиришнинг иккита тури мавжуд: шартли статистик ва шартли динамик прогнозлаштириш турлари.

Солиқ калькулятори усули солиқ тушумлари прогнозини тузишда детерменистик усуллардан бири бўлиб, солиқ тўловчилар томонидан тақдим этилган солиқ ҳисоботларидан фойдаланиш имкони бўлганда қўлланилади. Бу усул асосан ЖШДС ва Фойда солиғи бўйича тушумларни прогнозлаштиришда самара беради. Солиқ калькулятори усулини қўллашда доимий солиқ тўловчи ва агрегатцион моделлардан фойдаланилади.

Детерменистик усуллар макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ўзгариш тенденцияси катта бўлмаган барқарор иқтисодий муҳитда солиқ тушумларини қисқа ва ўрта муддатли прогнозлаштириш учун қўлланилади. Ушбу усулнинг афзаллиги унинг соддалиги, ахборотга мослашувчанлиги ва белгиланган кўрсаткичлар категориясига қилинган прогнознинг етарлича аниқлигидадир. Камчилик томони эса мураккаб ҳодисаларни прогнозлаштиришда қўллаб бўлмаслиги билан баҳоланади.

Математик моделлаштириш усули мураккаб тизимлар, жараёнлар ва ҳодисаларни башорат қилишнинг турли ёндашувларидан иборат энг мураккаб прогнозлаштириш усули бўлиб ҳисобланади.

Математик моделлаштириш усули иқтисодий-математик моделлар ва бу моделларга мос келувчи дастурий маҳсулотни қўллашга асосланган оптимистик ва пессимистик солиқ прогнозларини кўриб чиқиш имконини беради. Замонавий автоматлаштирилган тизимларда солиқ тушумларини прогнозлаштириш ва режалаштиришнинг бир қатор макро ва микроиқтисодий таҳлиллар кичик тизимлари қўлланилади.

Математик моделлаштириш усули солиқ тушумларини иқтисодий ўзгаришлар мавҳум бўлган давр учун ўрта ва узоқ муддатли прогнозлаштиришда қўлланилади. Ушбу усулнинг афзаллиги тушумларга таъсир қилувчи бир-бирига боғлиқ бир қатор омилларни ҳисобга олиш ва иқтисодий ривожланишнинг бир нечта вариантини ишлаб чиқиш имконини беради. Камчилиги эса, амалга ошириш тан нархининг қимматлиги, мураккаблиги ва ҳамда жуда кўп статистик маълумотларни талаб қилишлигидир.

Давлат бюджетига келиб тушадиган солиқ тушумларини прогнозлаштириш усулларининг назарий жиҳатларини бу усулларни гуруҳларга ажратган ҳолда ўрганиб, улар бўйича тегишли хулосаларни чиқарар эканмиз, аввало солиқ тушумларини прогнозлаштиришда энг оптимал усулини

танлаш билан Давлат бюджетини самарали бошқаришни ташкил этиш мумкинлигини эсдан чиқармаслик керак.

№	Методнинг номи	Афзаллиги	Камчилиги	Амалга ошириш мумкин бўлган прогноз даври
1.	Экстрополяция лаш усуллари	Ҳисоб-китоб қилиш оддий; Ҳисоб-китоб натижаларини графикларда акс эттириш мумкин; Экспонциал силликлаш коэффициентини оператив тарзда алмаштириш мумкин.	Кўрсаткичнинг прогнози катта бўлмаган давр учун аниқ бўлади ва регрессия тенгламасини янги маълумот кириб келиши билан қайта ҳисоб китоб қилишга тўғри келади; Ечимини компьютер орқали программалаштириш мумкин бўлган регрессия тенгламасини танлаб олиш қийин; Кейинги давр учун қилинган прогнознинг аниқлиги олдинги давр учун қилинган прогнознинг аниқлигига боғлиқ.	Қисқа муддатли
2.	Эксперт баҳолаш усуллари	Башорат қилинаётган кўрсаткичга оид статистик маълумотлар етарли бўлмаганда қўшимча маълумот олиш учун қулай; Натижага эришиш жараёни кам вақт талаб этади.	Прогнознинг аниқлиги экспертнинг салоҳиятига боғлиқ; Ахборотларни йиғиш жараёни мураккаб; Эксперт номзодлигига фақат юқори малакали мутахассислар талаб этилади.	қисқа ва ўрта муддатли
3.	Моделлаштириш усуллари	Соддалиги, ахборотга мослашувчанлиги ва белгиланган кўрсаткичлар категориясига қилинган прогнознинг етарлича аниқлиги; Прогнозлаштирилаётган кўрсаткичга таъсир этувчи омилларни ҳисобга олиш имконияти кенгрок; Иқтисодий ўзгаришлар мавҳум бўлган давр учун ҳам қўллаш мумкин; Иқтисодий шароитларнинг ўзгаришига сезgirлиги юқори.	Амалга ошириш жараёни кўп харажат талаб этади	Ўрта ва узок муддатли

Лекин бугунги кунда, солиқ тушумларини прогнозлаштириш усулларининг классификацияси юзасидан аниқ бир тўхтамага келинмаган. Прогнозлаштириш усулларини маълум бир турларга ажратишдан мақсад уларга оид назарий билимларни чуқурлаштириш эмас, балки бюджет жараёнини

бошқаришда самарасини кўришдир. Прогнозлаштирилаётган кўрсаткичнинг ҳажмига қараб, унга таъсир этувчи омилларнинг тури, сони, прогнозлаштиришнинг мақсади ва ҳоқазо кўрсаткичларга кўра прогнозлаштиришнинг турли хил усуллари тавсия этилади. Қайсидир бир ҳолатда қисқа муддатли прогнозлаштириш талаб этилса, баъзи ҳолатларда эса ўрта ёки узоқ муддатли прогнозлаштириш усули талаб этилади. Ўтиш даврининг ўзгарувчан муҳитида прогнозлаштирилаётган солиқ тури учун энг оптимал усулнинг танланиши катта амалий аҳамиятга эга, чунки бу масаланинг ечими иқтисодий сиёсат чораларининг шаклланишига, солиқ сиёсати концепциясини ишлаб чиқиш жараёнига сезиларли таъсирини кўрсатади.

Юқорида солиқ тушумларини прогнозлаштириш бўйича халқаро амалиётда қўлланилиб келинаётган усулларни ўрганар эканмиз, аввало бу усуллар орасидан энг мақбулини танлаш ёки миллий иқтисодиётимизга тўғри келадигани мана шу усул деб кўрсатиш нотўғри ёндашув бўлиб қолиши мумкин. Чунки ҳар бир усуллар гуруҳининг ўзига хос афзаллик, камчилик ёки прогноз қилинаётган даврга мос келувчи мезонлари мавжуд. Бугунги кунда амалиётда ундирилиб келинаётган солиқ турларининг ҳаммаси ҳам узоқ муддатли прогнозлаштиришга мос келмайди.

Масалан, якка тартибдаги тадбиркорлардан ундириладиган қатъий белгиланган солиқни оладиган бўлсак, унда солиқ тўловчилар сонининг тез ўзгарувчанлиги, солиқни тўлаш даврининг қисқалиги, солиқ тўловчиларнинг фаолият жойини ўзгартириши билан солиқ ставкасининг ҳам ўзгариб кетиши, энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг алмашиши каби мезонлари мавжудки, бу солиқни прогнози ўрта ёки узоқ муддатга мўлжалланган усулларни талаб этмайди. Ёки аксинча тўлаш муддати чораклик ёки йиллик бўлган, солиқ тўловчилари кам ўзгарувчан, солиққа тортиладган базага таъсир этувчи омилларнинг аниқ ҳисобини юритиш мумкин бўлган солиқ турларини узоқ муддатли прогноз усуллари асосида башоратлаш бюджет барқарорлигини таъминлашга олиб келади.

Мамлакатимизда олиб борилаётган бюджет-солиқ ислохотларидан, бюджет лойиҳасини қисқа муддатлидан ўрта муддатлига ўтилиши масалаларидан келиб чиқиб, қуйидаги таклиф ва тавсияларни келтирамиз:

-Солиқ тушумлари бўйича прогнозларни ишлаб чиқишда ҳудудларнинг иқтисодий салоҳияти, мазкур ҳудудда солиқнинг йиғилувчанлик даражасидан келиб чиқиш;

-Солиқ тушумларини прогнозлаштиришда солиқларни гуруҳларга ажратган ҳолда мазкур гуруҳдаги солиқлар учун прогнознинг мос усулини танлаш;

-Давлат бюджетини ўрта муддатли лойиҳасини ишлаб чиқиш заруриятидан келиб чиқиб, прогнозлаштиришда кўпроқ ўрта ва узоқ муддатга мўлжалланган усуллардан фойдаланиш.

Солиқ тушумларини илмий асосланган ҳолда прогнозлаш орқали Давлат бюджетининг даромад ва харажат қисмларидаги мувозанатни сақлаш, бюджет тақчиллигига йўл қўймаслик, бюджетнинг солиқли даромадларини манбалар бўйича бажарилишини таъминлаш, солиқ тушумларини молиявий йил

давонида узлуксиз, барқарор йиғилиши таъминланади. Натижада, мамлакатда макроиктисодий барқарорликка эришилади ва режалаштирилган инвестицион лойиҳалар ўз вақтида амалга оширилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. <https://www.cia.gov/library/publications/the-world-factbook/2222rank.html>, АҚШ “Central Intelligence Agency” нинг расмий сайти
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29 декабрь 2017 йилдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-3454 (ПҚ-2699, ПҚ- 2455, ПҚ- 2270, ПҚ- 2099)- сонли Қарори, www.lex.uz Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари
3. Мирзиёев.Ш.М Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. – Т: Ўзбекистон, 2017-316
4. Методы налогового прогнозирования на макроуровне Васильева М. В., д. э. н., Опубликовано в журнале "Управленческий учет" №6 год - 2011
5. Паскачев А. Б. Анализ и планирование налоговых поступлений: теория и практика / под ред. Ф. К. Садыгова. – М.: Изд-во экономико-правовой литературы. – 2004. – 316 с.
6. Пардаев. У Давлат бюджетини прогнозлаштириш услубиётини такомиллаштириш. – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори даражасини олиш учун тайёрланган Диссертация. Тошкент-2017
7. Г.Насритдинов. Эконометрика, ўқув қўлланма. Т, Иқтисод-Молия - 2008. 250 бет